



Даромад доимий меҳнат, дадил ҳаракат ва пухта режа асосида топилади

4-с.

## Аёл уддалаган иш, зарра келтирмас ташвиш

Аёлларда вақтини мазмунли ўтказиш, оиласининг фаровон турмуш кечирishi учун муносиб ҳисса қўшиш истаги анча ортган.

8-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 йил  
14 ДЕКАБРЬ,  
ШАНБА

# Mahalla

№81  
(2219)

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЖАРАЁН

## “ЕТТИЛИК” ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Каҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Сурхондарё вилоятида бўлиб, ўрганishлар олиб борди.

Дастлабки манзил — Музабот тумани. Уюшма раиси “Чегарачи” ва “Гулбод” маҳаллаларида бўлди. “Еттилик” фаолияти ўрганилиб, уларни қийнаётган муаммолар тингилди. Ҳар бир масалани ечими бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

## БУГУНГИ СОНДА:

### Тадбиркорликка укуви йўқ фуқарога кредит бериш нотўғри

Ким қандай кўмакка муҳтожлигини фарқламай, таваккал ёрдам кўрсатиш акс натижа беради. Масалан, тадбиркорликка укуви йўқ фуқарога имтиёзли кредит ажратиш орқали уни баттар оғир аҳволга туширишимиз мумкин.

4-с.

### Аввал намуна бўлсангиз, ортингиздан ёшлар доим эргашади

Мактаб кутубхоналари кечки 17:00 дан кейин ёпилади. Йигит-қизларнинг иш ва ўқишдан кейинги бўш вақти айнан кечки пайтга тўғри келади. Ёшлар исталган вақтда мутолаа қилиш, китоблардан фойдаланиш имконияти бўлишини хоҳлайди.

5-с.

### “Тадбиркорга тўғри тушунтириш бердик, натижада тушумлар ортди”

“Бугун солиқ ислохотларнинг амалий натижасини ҳар бир фуқаро, тадбиркор кундалик ҳаётида сезмоқда. Натижада юзлаб фуқаролар тадбиркорлик билан қонуний шуғулланиб, ўзи ва оиласини даромадли қилди. Ўз навбатида, ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўллари излаяпмиз”.

6-с.

## Энергетика соҳасида 18 та мажмуа ишга туширилди, яна 6 тасининг қурилиши бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган таътил маросимда иштирок этди.



Булар мамлакатимизда энергетика тизими барқарорлигини ошириш бўйича қилинаётган кенг қўламли ишларнинг давомидир. Ўтган йили декабрда 5 та куёш ва 1 та шамол электр станцияси ишга туширилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифларида ҳам кўплаб лойиҳаларга асос солинмоқда.

Бу галги маросимда умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 24 та лойиҳа тайёрланган. Хусусан, Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида

қарийб 2,3 минг мегаватт қувватга эга 5 та куёш ва шамол электр станцияси ҳамда 5 та юқори қучланишли подстанция қуриб битказилган. Ўзбекистонда илк бор Андижон ва Фарғонада 300 мегаватт энергия сақлаш тизими барпо этилган. Қашқадарёда 400 мегаваттлик электр станцияси, Тошкент шаҳрида замонавий когенерация қурилмаси, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 4 та кичик ГЭС шай ҳолатга келтирилган.

Давом 2-саҳифада.

## МАҲАЛЛАДА 102 ТА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ КўРСАТИЛЯПТИ

Президент раислигида 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Давом 2-саҳифада.



СУҲБАТ

## ИЖТИМОЙ ЁРДАМ МАНЗИЛЛИ ВА МАҚСАДЛИ Бўлса, ИСЛОХОТЛАРГА ИШОНЧ ОРТАДИ

Табиатнинг инсон ўзгартира олмайдиган қонуниятлари жуда кўп. Тирик мавжудот борки, зиммасига юклатилган вазифаларни адо этиш баробарида ўз тақдирини яшаб ўтади. Кимгадир бошқаларнинг мушкулларини осон қилиш юклатилган бўлса, яна бошқа биров муҳтожлик билан синалади. Лекин қандай ҳолатда бўлишимиздан қатъи назар доимий равишда ривожланиш сари интилиш даркор. Тўхтаб қолгани вақт кутиб турмайди.

Давом 3-саҳифада.

**Mahalla 365**

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 20 февраль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ижтимоий хизмат ва ёрдамларни маҳалла даражасида ташкил этиш тизими ишлаб чиқилади.



Эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури шакллантирилади.



“Маҳалла еттилиги” ягона саволнома асосида оиладаги муаммо ва имкониятни аниқлаб, оиланинг “ижтимоий портрети” яратилади.





Маҳалладаги барча ижтимоий хизматлар босқич-ма-босқич ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси орқали тақдим этилади.



Ноғиронлик касалликка қараб эмас, шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгиланади.



Васийлик ва ҳомийлик масалалари, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар билан маҳалладаги ижтимоий ходимлар шуғулланади.

**ДИҚҚАТ!**

**ОБУНА — 2025**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko'zguisi» журнаliga 2025 йил учун обуна бўлинг!

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ  
НАШР КўРСАТКИЧИ: 148  
“MAHALLA KO'ZGUSI” ЖУРНАЛИ  
НАШР КўРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар:  
+998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!

Маҳаллани «Mahalla»сиз тасаввур этиш қийин...



**Шавкат Мирзиёев энергетика соҳасида янги қувватларни ишга тушириш ва навбатдаги лойиҳалар қурилишига СТАРТ БЕРИШ маросимида қатнашди.**



**Шавкат Мирзиёев УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА аҳоли маблағларини кафолатлаш тизимига оид тақдимот билан танишди.**



**Президент ТЎҚИМАЧИЛИК ва чарм саноатидаги ислохотлар натижадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.**

# Маҳаллада 102 та ижтимоий хизмат кўрсатиляпти

Давоми. Бошланиш 1-саҳифада.

Қайд этилганидек, жорий йилда **102 та ижтимоий хизмат маҳалла даражасига** туширилди. Масалан, олдин одамлар протез учун ҳар хил комиссиялар ва поликлиникада икки ой сарсон бўлган бўлса, ҳозир бу масала икки ҳафтада маҳаллада ҳал бўлмоқда. Шунинг ўзидан 100 минг одамнинг оғри енгил бўлди. Ногиронлиги бор болаларга қараб туриш хизмати йўлга қўйилиб, мурожаатлар маҳаллада қабул қилиняпти. Бу 700 нафар ота-онанинг ишлашига шароит яратди.

Маҳалладаги **ижтимоий ходимлар** уйма-уй юриб, шу йил **реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтож одамга** ёрдам кўрсатди. Вилоят ва тумандаги **14 минг раҳбар 75 минг камбағал оилага** бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилди. Натижада шу кунга қадар камбағал оилалардаги 17 минг одам



доимий ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик ва томорка орқали 14 минг аҳолининг даромади оширилди.

**Президент бу йил ижтимоий химоя бўйича қилинган 34 та муҳим янгиликка қўшимча 28 та**

**1 мингта маҳаллада** биттадан оилавий боғча фаолияти йўлга қўйилди. Янги йилдан оилавий боғча ўринларининг 15 фоизига камбағал оила фарзандлари қабул қилинади ва **боғча тўлови қисман қоплаб берилди.**

Камбағал оилалардаги ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг одамга ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, ака-укаси ёки опа-синглиси қараб ўтирибди. Келгуси йилдан **маҳалладаги ижтимоий ходимлар ва хусусий сектор иштирокида** бу одамларнинг 19 мингига уйда ва 4 мингига кундузги қатнов асосида қараб туриш йўлга қўйилди.

**Камбағал оиладаги 460 минг одам тиббий ёрдамга, 6 мингта оила уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож.** Шу боис 2025 йилда муҳтож одамларнинг жароҳлик амалиёти учун қўшимча 185 миллиард сўм ажратилди. "Ижтимоий дафтларлар" маблағи фақат камбағал оилаларни янада яхшилаш, тиббиёт,

таълим хизматларини кўрсатиш ва даромадини оширишга сарфланади. Шу билан бирга, дафтларлар маблағининг 30 фоизи "Инсон" марказлари билан **маҳалладаги уй-жой, йўл, сув ва электрни яхшилаш учун ишлатилди.**

Яна бир масала – ҳозирда 400 та кўп қаватли ижтимоий уйда 25 минг аҳоли истикомат қилади. Лекин **улар яқин қариндошлари ва одатий яшаш шароитидан анча узоклашиб қолаётир.** Шу муносабат билан эҳтиёжманд аҳолини битта ижтимоий уй-жойга жойлаштиришдан воз кечилмади. Уларга **ўзининг маҳалласига яқин жойдаги уйни ижарага олишга рухсат берилди,** харажати қопланади.

Ҳозирги кунда **65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун** фуқаролар туғилганлик, ногиронлик тўғрисида, пенсия, талабалик гувоҳномаси, банк картаси каби 10 дан ортқ ҳужжатни кўтариб юришга мажбур.

Бундай овозгарчиликка чек қўйиш вақти келди – **ижтимоий карта** жорий этилади. Ижтимоий карта билан **автобус ва метрода бепул юриш, электр, газ ва ўқиш харажатига компенсация олиш** мумкин бўлади, **нафақа ва ёрдам пуллари ҳам шу қартага тушади.** Бу тизим 1 июлгача Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида синовдан ўтказилди, йил якунигача ҳамма жойда ишга туширилади.

**Йиғилиш кун тартибидagi навбатдаги масала ногиронлиги борлар билан ишлаш бўлди.** Маҳалладаги ижтимоий ходимлар ногиронлиги бор уйга уй шароитида қилинадиган **машқлар дастури ва соғлом овқатланиш мениосини** эслатма қилиб тарқатди. Ногиронлиги бор болалар учун 73 та кундузги парварариш ва "Ғамхўрлик" гуруҳлари ташкил қилинди.

**Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.**

КУН НАФАСИ

## “Еттилик” фаолияти ўрганилди, таҳлил қилинди, режалар белгиланди



Давоми. Бошланиш 1-саҳифада.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди. Биргаликда арча кўчатлари экилди. “Маҳалла сервис компанияси” қандай ишляпти, унинг хизматидан аҳоли мамнунми? Маҳалла аҳли билан суҳбатда ана шу саволларга жавоб изланди.

Худуддаги қаровсиз ётган стадион эътиборни тортди. Ушбу ўйингоҳ тез кунларда музработлик ёшларнинг сеvimли масканига айланади.

**Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили – Денов тумани.** Тумандаги ўрганиш ишлари янги барпо этилаётган Ешлар сайилгоҳининг қурилиш жараёнлари билан танишишдан бошланди. Хусусан, Бобур номидаги маҳалла “еттилик” фаолияти ўрганилиб, иш самардорлигини ошириш мақсадида замонавий компьютер жамланмалари ажратилиши белгиланди.

Уюшма раиси “Кўёшли юрт” маҳалласида бўлиб, аҳоли хонадонларида яратилган иссиқхоналарни кўздан кечирди. Шу ерлик тадбиркор Ойбек Султоновнинг кооперация усулида гул кўчатларини тарқатиш фаолиятини кенгайтириш бўйича тавсиялар берилди.

**Ишчи гуруҳи Узун туманидаги чегара ҳудудида яшовчи аҳоли билан суҳбатлашди.** Мулоқотларда одамларнинг кайфияти, фаолияти, даромади ҳақида сўз борди. “Боботўғ”, “Оқ маҳит”, “Толтуғай”, “Янгиобод” маҳаллаларининг “еттилик” вакиллари билан суҳбатлашилди. Улар дуч келётган муаммолар таҳлил қилинди. Маҳаллаларда аҳолини камбағалликдан чиқариш, уларни банд қилиш бўйича ишлар муҳокама қилинган бўлди. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари кўздан кечирилди.

Жараёнда “Боботўғ” маҳалласи ҳудудидаги 30 км. йўлни шағаллаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ва “Толтуғай” маҳалласи биносини таъмирлаш белгиланди. Ишчи гуруҳ “Оқ маҳит” маҳалласида яшовчи Санобар опа Эшматова хонадониди бўлди. Ҳозирги кунда у киши 4 нафар фарзандни ёлғиз ўзи тарбияляпти, бироқ ўз уйига эга эмас. “Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан уй билан таъминлаш режалаштирилди. Тўма касаллиги бўлган 16 ёшли ўғли зудлик билан операция қилдириш учун Самарқанд вилоятига юборилди.

**Ўрганишлар жараёнида Термиз тумани аҳолисининг мурожаатлари қаноатлантирилди.** Аввалроқ Мухиддин Эштемиров номи маҳалла нурунийлари ижтимоий тармоқ орқали Уюшма раисини маҳаллага тақлиф қилган, мурожаатлари борлигини билдирган эди.

Қаҳрамон Куронбоев маҳаллага бориб, “еттилик” ҳамда у ердаги оқсоқоллар билан суҳбатлашди. Аҳолининг айтишича, йиғинда электр симёғочлари етарли эмас ва электр кучланиш паслиги сабабли қўшимча трансформатор керак. Туман ҳокими билан мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича келишиб олинди. Қувонарлиси, нурунийлар маҳалладаги муаммоларга беварқ эмас. Кўтарилган масалаларнинг ечими доимий назоратда бўлади.

**янги ташаббусни илгари сурди.** Келгуси йилда **1 миллион 200 минг** аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-хунар, тиббиёт масалалари ҳал қилиниб, яшаш шароити яхшиланади. 2025 йилда камбағаллик юқори

## Энергетика соҳасида 18 та мажмуа ишга туширилди, яна 6 тасининг қурилиши бошланди

Давоми. Бошланиш 1-саҳифада.

Шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 2,5 минг мегаваттлик 6 та электр иншооти қурилиш арасида.

Ушбу янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда қўшимча 9,5 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежалани, 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқилишининг олди олинади.

Энг муҳими, 4 миллиондан зиёд хонадон узлуксиз тоза энергия билан таъминланади. Бу иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки беради.

Умуман, юртимизда келгуси йили жами 84 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу 2016 йилга нисбатан 25 миллиард киловатт соат ёки 1,5 баробар кўпдир.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, бу лойиҳаларнинг барчаси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига қурилаётганини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой ва Германия компанияларига, Осие тараққиёт банки, Осие инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банкига ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирди.

Мамакатимизда хусусий секторга кенг йўл очилгани натижа-сида охириги 5 йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келган. Аввал тўлиқ давлат тасарруфида бўлган бу тизимда 24 та мустақил энергия ишлаб чиқарувчи фаолият бошлаган.

Жумладан, “яшил энергетика” соҳасида 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 миллиард киловатт соатга тенг 16 та йирик қуёш ва шамол электр қувватлари ишга туширилди. Бунинг натижасида жорий йилда



тармоқда “яшил энергия” улуши 16 фоиздан ошди.

Маълумки, ўтган йили мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард долларлик тарихий маррани забт этди. 2030 йилга бориб, иқтисодиётимиз ҳажмининг 200 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Бу келгуси 5 йилда юртимизда электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ҳозиргидан 1,5 баробар оширади. Қолаверса, Париж битими доирасида 2030 йилгача зарарли газлар эмиссиясини 35 фоизга камайитириш мўлжалланган.

Шу боис давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидаги навбатдаги режаларга тўхталиб ўтди. **Биринчидан,** 2030 йилга қадар яна 19 минг мегаватт “яшил қувват”ларни барпо этилиб, қайта тикланувчи энергия улуши 54 фоизга етказилади. Хусусан, 2025 йилда 3,4 минг мегаваттлик 18 та қуёш ва шамол станцияси, 1,8 минг мегаваттлик сақлаш тизимлари ишга туширилади. Бунинг натижасида келгуси йили “яшил энергия” ишлаб чиқариш ҳажмлари 12 миллиард киловатт соатга етади.

Шунингдек, келгуси 2 йилда хусусий тадбиркорлар билан бирга 2 мингдан ортқ кичик ва микро ГЭСлар ташкил қилиш бўйича катта дастур амалга оширилади. **Иккинчидан,** электр энергия

бозорини эркинлаштириш бўйича навбатдаги қадамлар қўйилди. Хусусан, келгуси йил якунига қадар рақобатли савдолар орқали электр энергияси улгуржи бозори яратилади.

Давлат-хусусий шериклик тақсимлаш тармоқларига ҳам жорий қилиниб, уларни модернизация қилиш учун 4 миллиард доллар инвестиция жалб этилади. Бу борада Самарқанд ҳудудий электр тармоқларини хусусий бошқарувга бериш бўйича илк лойиҳа ишлаб чиқилиб, халқаро тендер эълон қилинди.

**Учинчидан,** “яшил энергетика” йўналишида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик кенгайтирилади. Бу борада биринчи амалий қадамлар қўйилди – “СОР29” доирасида Қозғистон, Озарбайжон ва Саудиялик ҳамкорларимиз билан “яшил энергия”ни Европа минтақасига экспорт қилиш бўйича битим имзоланди.

Марказий Осие электр энергияси ишлаб чиқариш учун бир вақтнинг ўзида қуёш, шамол, сув каби табиий ресурслар бўйича катта салоҳиятга эга. Бу борада минтақавий энергия тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшни давлатлар билан ягона платформа ишга туширилади.

**Тўртинчидан,** “яшил энергетика” бошқа соҳа ва тармоқларнинг

ривожига, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши учун янги драйверга айланмоқда. Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлар томонидан 1 минг мегаваттлик қуёш панеллари ўрнатилиб, йилига 1,5 миллиард киловатт соат электр энергияси олинмоқда. Бундай ишлар изчил рағбатлантирилиши, дуал таълим асосида мутахассислар тайёрлиши айтилди.

– *Буеунги тадбир юртимиз энергетика тарихида янги саҳифа очади. Ишга туширилаётган бу лойиҳалар орқали нафақат иқтисодий ўсишга эришамиз, балки келажак авлодларимиз учун яшил ва барқарор Ўзбекистоннинг мустақил пойдеворини яратамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.*

Маросимда Бирлашган Араб Амирликларининг энергетика ва инфратузилма вазистри Суҳайл бина Мухаммад ал-Мазруий, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазистри Алпарслон Байрактар, Саудия Арабистони Подшоҳлиги энергетика вазистри шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд ҳам нутқ сўзлади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий дастакни босиб, 18 та мажмуанинг фаолияти ва 6 та лойиҳанинг қурилишини бошлаб берди.

**Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Кўркам хиёбонда янги бино қад ростлади

Қувасой шаҳридаги “Кўчқорчи” маҳалласида янгитдан таъмирдан чиқарилган **Ўзбекистон халқ шоири Ҳамид Олимжон хиёбони, унинг номидаги музей ҳамда маҳалла бизнеси фойдаланишга топширилди.**



Ҳамид Олимжон ўзбекнинг ўзи-дан ўлмас мерос қолдирган атоқли фарзанди – дилбар шоир, иқтидорли драматург, машҳур олим ва танқидчи, йирик давлат ва жамоат арбоби эди. У қисқа умри давомида халқимизнинг чексиз меҳрини қозонди. 1980 йилда Қувасой шаҳар Кўчқорчи қишлоғида унинг ҳайкали ўрнатилган.

Қисқа фурсатда Ҳамид Олимжон ҳайкали ўрнатилган ҳудуд ободонлаштирилиб, монумент реконструкция

қилинди. Кўркам қиёфа касб этган бу маскан чинакам маънавий ва маърифат марказига айналди. Шу билан бирга, ҳудуддаги маҳалла биноси таъмирдан чиқарилди. Бу ерда мўъжазгина Ҳамид Олимжон музейи ҳамда кутубхона ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари Ҳамид Олимжон ҳайкали пойига гуллар қўйишди, хиёбонга кўчат экилди. Маҳаллада яратилган шароитлар, музей, кутубхона фаолияти билан танидилар.



**"EXPO-2025"** кўргазмаси бўйича Ўзбекистон павильони дизайн жиҳатидан олтин медалга сазовор бўлди.



**"Қарши давлат техника университети ташкил этиш тўғрисида"ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.**



**Мактабларда ҚИШКИ ТАЪТИЛ 2024 йил 29 декабрдан бошлади, 2025 йил 11 январга қадар давом этади.**

Давом. Бошланиши 1-саҳифада.

**Агар яшаб турган жамиятимизда ўзгариш ва ўсиш бўлишини хоҳласак, қийналган, ҳаракати сусайиб бораётган кишиларнинг қўлидан тутишимиз жуда муҳимдир. Ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, хизмат ва ёрдамларни тизимли ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш каби жиҳатлар айнан шу мақсад сари йўналтирилгани билан аҳамиятли.**



**Мавзуни кенгроқ ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори ўринбосари Усмон ШАРИФХУЖАЕВ билан суҳбатлашдик.**

— Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш, манзилли ёрдам кўрсатилишига эришиш мақсадида 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. 2023 йил 15 октябрдан бошлаб, дастлаб 28 та туман ва шаҳарда тажриба тариқасида "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йилдан мазкур тизим бутун мамлакат бўйлаб ишлаб бошладиди ва ҳар бир маҳаллага ижтимоий ҳодим бириктирилди. **Натижада 150 турга яқин ижтимоий хизматлар маҳалла даражасида кўрсатиляпти.** Эндиликда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг муаммолари энг қулай тизимда, яъни маҳаллада ҳал этилмоқда.

**Ислохотлар натижасида республика бўйича камбағаллик даражаси 2021 йилда 17 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб 11 фоизга тушди. Кўрсаткич 2 йилда 6 фоизга камайди. Таъкидлаш жоизки, камбағалликни қисқаришига асосий омил иш ҳақининг ўсиши ҳамда ижтимоий нафақалар таъминоти бўлди.**

Республика бўйича тизим ҳодимларининг кўплиги ҳамда уларнинг иш юктамаларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ва вақт ресурсларини тежаш, дарсларни қизиқарли ва ҳамма учун қулай бўлиши мақсадида **"e-learning.istic.uz"** таълим платформаси ишга туширилди.



## Ижтимоий ёрдам манзилли ва мақсадли бўлса, ислохотларга ишонч ортади

Аввалига "бешлик" тарзида иш юритган маҳаллаларда ижтимоий ҳодим ва солиқ инспектори фаолияти йўлга қўйилиб, **"маҳалла еттичилиги"** тизими пайдо бўлди. Унга кўра, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳар бир оила билан иш олиб борилмоқда. Бу тоифадаги шахсларнинг муаммолари ўрганилиб, давлат уларга қаратилган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатыпти. Шунингдек, фуқароларнинг ички ресурс ва кучли томонларидан фойдаланиб, оғир вазиятдан олиб чиқилмоқда.

— **"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури асосида фуқаролар турмуш шароитини яхшилаш учун дадил қадам ташлашни бошладик. Мазкур йўналишда шу кунга қадар қандай амалий тадбирлар олиб борилди? Камбағал оилалар сонини қисқартиришда қандай усул ҳамда ёндашувлардан фойдаланилмоқда?**

— Даставвал, биз ишни "камбағал ўзи ким?", деган саволга жавоб топишдан бошладик. 2021 йилда минимал истеъмол харажатига асосланган Миллий монетар — камбағаллик чегараси ишлаб чиқилди. Бугунги кунда мазкур чегара аҳоли жон бошига 648 минг сўм ёки 52 АҚШ долларига яқин суммани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги **"Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида"ги фармони**га асосан, камбағал оилаларни аниқлаш, уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни **"Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулия"** тамойили асосида ташкил этиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Статистика агентлиги, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Макро-иқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти билан биргаликда камбағал оилаларни аниқлаш бўйича саволнома ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги камбағал оилаларни аниқлаш, уларни **"Камбағал оилалар реестри"**га киритиш ва чиқариш мезонларини яратди. "Камбағал оилалар реестри"ни шакллантириш учун махсус ахборот тизими ишга туширилди. Бугунги кунда мазкур тизим орқали маҳаллалардаги ижтимоий ҳодим ва ҳоким ёрдамчилари сўровнома асосида оилаларнинг камбағалликка тушиб қолиш сабабларини ўрганмоқда. Натижалар индивидуал хизматлар режасини ишлаб чиқиш учун яратилган электрон платформага юборилади.

Бугунги кунда "Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулия" тамойили асосида кўрсатиладиган 161 та хизмат ва ёрдамларни ўз ичига олган **"Камбағал оилаларга индивидуал режа тузиш"** электрон модули яратилиб, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг "Онлайн маҳалла" электрон платформасига интеграция қилинди.

Платформада ҳоким ёрдамчиси 53 та (барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш бўйича 48 та, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш масаласида 5 та) хизматлар бўйича ҳамда ижтимоий ҳодим 108 та (ижтимоий хизматлар бўйича 72 та, таълим олиш ва касб-хунар ўрганиш борасида 18 та, тиббий хизматлар йўналишида 11 та, яшаш шароитларини яхшилаш бўйича 7 та) ижтимоий ёрдам ва индивидуал хизматлар режасини тузиши назарда тутилган.

— **Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш, фаол меҳнат билан банд бўлишига эришиш маҳалладаги ишсизлик ва камбағалликни бартараф этишда жуда муҳим саналади. Лекин бу тоифадаги шахсларнинг кўпчилиги ҳеч қандай касб-хунарга эга эмас. Уларнинг қисқа муддат ичида бирор йўналиш бўйича малака ҳосил қилиши учун бугун қандай шарт-шароитлар яратиб берилляпти?**

— Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури асосида амалга оширишга хизмат қилади. Бу тоифадаги шахслар касб-хунарли бўлса, ҳар куни маълум бир иш билан шуғулланиб, даромад топса, қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Сиз жуда тўғри айтдингиз, бу йўналишда қилинадиган ишлар жуда кўп ва масалани ҳал қилиш учун бир неча йўналишда ишлар қилинмоқда, режалар ҳам бисёр. **Биринчидан**, ногиронлиги бўлган болалар ва ёшларни таълим олиш жараёнларидан бошлаб, имконияти ва қобилиятини ривожлантириш, келажақда меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, махсус таълим даргоҳларида ўргатиладиган касб-хунар йўналишларини белгилаш режалаштирилган.

**Иккинчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларни фақатгина бандлигини таъминлаш эмас, балки уларни ишга киришиб кетгунча қадар қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилади. Ҳозирда **Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси** маблағлари ҳисобидан бир неча лойиҳалар амалга ошириляпти. Жумладан, "Иш плюс" рекрутнинг портали орқали "Тошкент шаҳрида 300 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив бандлигини таъминлаш" лойиҳаси доирасида 100 нафарга яқин, Қарши шаҳрида "Той бола" корхонаси 50 нафар, шунингдек, Жиззах шаҳрида "Моноэлектрик" корхонаси 250 нафар кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлади.

**Учинчидан**, Давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларининг ягона очиқ портали (**"vacancy.args.uz"**)да ногиронлиги бўлган шахслар учун бўш иш ўринлари ҳақида алоҳида саҳифа ишга туширилди. Портал орқали ногиронлиги бўлган 3,5 минг нафар шахс турли ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга кенгроқ қўшилиши учун барчада, хусусан, иш бевуқчиликларда ҳам уларга нисбатан муносабат ўзгариши керак. Уларнинг имкониятларига кенг ва тўғри йўналиш берилса, озроқ шароит яратилса, кўпчилиги иқтисодий фаол фуқарога айланиши мумкин.

— **Камбағал оила фарзандларининг таълим олиш учун қандай имкониятлар яратилди? Уларга яшаш шароитини яхшилаш борасида имтиёзлар берилляпти?**

— Камбағалликдан чиқишни асосий йўналишларидан бири, албатта, таълим. Бу борада бир қатор ишлар бошланган. Жумладан, боғчаларга имтиёзли қабул қилиш ва айрим харажатларни қоплаб бериш, мактаб ёшидаги ларни фан ва спорт тўғрисидаги жалб қилиш, олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида яхши натижа кўрсатиб, тахсил олаётганларнинг шартнома пули учун **таълим кредитлари** ажратилиши. Хусусан, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га кирган оилалар хотин-қизларига бериладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафилик талаб этилмай, фойз тўловлари қоплаб берилмоқда. Шунингдек, оиласи кам таъминланган талабаларнинг тўлов-контракт суммасынинг бир қисми (**50 фоизи**) ни давлат тўлаб беради.

Бундан ташқари, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга "маҳалла еттичилиги" тавсияси асосида 20 йил муддатта **ипотека кредитлари** ажратилляпти. Дастлабки бадал ва фойз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун оилаларга субсидиялар тўлаб берилляпти.

Ушбу ислохотлар натижасида республика бўйича камбағаллик даражаси 2021 йилда 17 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб 11 фоизга тушди. Кўрсаткич 2 йилда 6 фоизга камайди. Таъкидлаш жоизки, камбағалликни қисқаришда асосий омил иш ҳақининг ўсиши ҳамда ижтимоий нафақалар таъминоти бўлди.

— **Бола ҳуқуқларининг таъминлигини, уларнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши юрт келажаги учун тенгсиз аҳамият касб этадиган масала. Шу маънода Агентлик етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган етмаганларни қўллаб-қувватлаш борасида қандай ташаббус ва гошлар устида иш олиб бораляпти?**

— Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурида ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида оиллага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш вазифалари ҳам белгиланган. Шунга мувофиқ, бундай болаларни тарбияга бериш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Эндиликда болани тарбияга беришда **оила муҳитини сақлаб қолишга** устуворлик берилди. Бу жараёнда, аввало, вазийлик, ҳомийлик, тутинган оиллага ёки фарзандликка бериш қўллаб-қувватланади. Икхтисослаштирилган тарбия муассасасига энг сўнгги чора сифатида жойлаштирилади. Фарзандларни оиланинг камбағаллиги туфайли Меҳрибонлик ва болалар уйларига жойлаштириш **амалиёти бекор қилинади**. Камбағал оила вакиллари ишга жойлашган тақдирда, боласи уч ёшга тўлгунча боғча харажатлари учун Ижтимоий ҳимоя жамғармасидан **компенсация** берилди.

Болалар уйларида **"Онлар маскани"** ташкил этилиб, унда боласидан воз кечмоқчи бўлган оналар фарзанди билан бирга жойлаштирилади. Уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий хизматлар кўрсатилади. Оналик кўникмалари ўргатилади ҳамда касб эгаллашига кўмаклашилади. Бу каби хизматларни ташкил қилишга нодавлат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

Оғир ҳаётий вазиятга тушган болалар тарбияга берилгунча қадар оилавий болалар уйига жойлаштирилади. Тарбияга бериладиган болалар учун индивидуал ривожланиш режаси ишлаб чиқилади. Етим болаларни аниқлаш, уларни тарбияга олиш истагини белдирган шахслар маълумоти "Ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимида юритилади. "Инсон" марказлари болаларнинг қонуний вакили ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Оилавий болалар уйини ташкил этган фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида белгиланади. Тутинган оилаларда тарбияланган болаларга умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни тугатгунча **яшаш ва парваришлаш харажатлари** тўланади.

Ривожланган давлатлар таълим босқичидан келиб чиқиб, шу соҳада яна бир ҳужжат — **"Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун** имзоланди. Унда бу борадаги ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, болаларни ҳимоя қилувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ белгиланди.

— **Ҳозирги кунда юртимизда моддий ёрдамга эҳтиёжи бўлган аҳоли қанча? Уларни аниқлаш тизими қандай йўлга қўйилган?**

— Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш давлатимизда олиб борилётган ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Жумладан, бу тоифадаги оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам таъинлаш тизимида инсон омиллини камайтириш, шаффоқликни оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнда белгиланган лимитлар бекор қилиниб, ахборот тизими орқали кам таъминланган, деб эътироф этилган барча оилаларга нафақа ёки моддий ёрдам тўлиниши жорий этилди.

Тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали инсон омиллини бартараф этиш мақсадида, **"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"** ахборот тизими ишлаб чиқилди ҳамда босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудига жорий этилди.

Ижтимоий нафақаларнинг манзиллилиги ва самардорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрда қабул қилинган қарори билан нафақа олувчи оилаларнинг **иқтисодий аҳоли ўзгаришини ҳар ойда автоматик равишда қайта ўрганиш** ва мезонга мос келмаган оилаларни реестрдан чиқариш тартиби йўлга қўйилди.

Бугунги кунда кам таъминланган сифатида **960,8 мингга** оиллага болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўланмоқда. Ушбу оилаларда **4,2 миллион нафар** фуқаро истиқомат қилса, шундан **2,4 миллион** нафарини **18 ёшга** тўлмаганлар ташкил этади.

— **Маҳалладаги ижтимоий ҳодим имконияти чекланган, кам таъминланган ва эҳтиёжман таълим олишни ишлашини ҳисобга олсак, унинг бир қанча йўналишларида билим ва малакага эга бўлиш талаб қилинади. Агар ҳодимларнинг турли соҳалар бўйича мутахассис эканлини ҳисобга оладиган бўлсак, янада кўпроқ ўқшиш кераклиги кўндек равшан...**

— Ҳақиқатан, ижтимоий ҳимоя соҳаси янги йўналиш бўлгани учун ҳодимлардан ўз устида мунтазам равишда ишлашни, билим ва малакасини ошириш боришини талаб қилади. Агентлик бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, ижтимоий ҳимоя тизими ҳодимларининг малакасини ошириш жараёни **уч йўналишда** олиб борилмоқда.

Бутун республика бўйича тизим ҳодимларининг кўплиги ҳамда уларнинг иш юктамаларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ва вақт ресурсларини тежаш, дарсларни қизиқарли ва ҳамма учун қулай бўлиши мақсадида **"e-learning.istic.uz"** таълим платформаси ишга туширилди. У орқали бугунги кунда **10 минг нафарга** яқин тингловчи қамраб олинган. Улар хоҳлаган вақти, хоҳлаган жойидан ўзи учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни назарий ва амалий видеороликлар орқали олишмоқда.

Бундан ташқари, сифатли янада ошириш ва онлайн таълимда олинган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳудудлардаги энг салоҳиятли кадрлар орасидан мураббийлар саралаб олинди ва улар билан **ToT (Training of Trainers)** кўринишида семинар-тренинглар ташкил қилинди.

Аъъанавий тарзда олиб бориладиган ўқув машғулотларида 35 нафар ижтимоий ҳодим мураббий 6 та тренингда 22,3 минг нафар ижтимоий ҳодимни ўқитди. 28 нафар ассистент мураббий ўтказган 1 ойлик машғулотда 2,4 минг нафар ассистентга керակли тавсия ва йўл-йўриқ кўрсатилди. Бундан ташқари, 1,2 минг нафар супервайзер ҳамда 315 нафар психолог малакаси оширилди.

— **Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур!**  
**Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА** суҳбатлашди.



Ўзбекистонга 10 ойда келиб тушган ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ 12,6 миллиард долларни ташкил қилган.



Марказий банк асосий ставкани 13,5 фоиз қадорида ЎЗГАРИШИЗ қолдирди.



QR-код орқали барча қурилиш объектларини КУЗАТИШ ИМКНИ яратилди.

ТАКЛИФ

## Тадбиркорликка уқуви йўқ фуқарога кредит бериш нотўғри

Соҳибжамол Каримова яқингача шенсиз сифатида “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. “Маҳалла еттичилиги” ходимлари ҳамкорликда индивидуал иш олиб борди. “Хонадонбай” ўрганишда, кизиккини сўралганда, тикувчиликка қобилияти борлигини аниқлади. Унга субсидия асосида тикув машинаси, дазмол берилди. Натижада ўзини ўзи банд қилди. Ҳозир ойига 4 миллион сўм даромад тояпти. Қувонарлиқ, бандлиги таъминланган бундай эҳтиёжманг оила вақтларини сонинг ортиб бормоқда.



Аҳмад ЖУМАОБОВ, Нукус шаҳридаги “Жеке терек” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Шаҳар ҳудудда жойлашганимиз учун талабгорларни ўсиш нуқтаси — хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтиряпмиз. Бундан ташқари, 1 минг 278 та хонадоннинг 861 тасида томорқачилик йўлга қўйилган. Бу орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга эришяпмиз.

2022 йилда ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаганим. Аввал Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида етакчи мутахассис бўлиб ишлаганим ҳозирги фаолиятимда қўл келмоқда. Вазифадан келиб чиқиб, ҳар бир хонадонни бирма-бир ўрганиб, тоифага ажратиб олдим. Биринчи галда ашаш ша-роити оғир хонадонларга қандай ёрдам кўрсатиш кераклигини белгиладим. Чунки ким қандай кўмакка муҳтожлигини фарқламай, таваккал ёрдам кўрсатиш акс натижа бериши мумкин. Масалан, тадбиркорликка уқуви йўқ фуқарога имтиёзли кредит ажратиш орқали уни баттар ботқоққа чўктириш мумкин. Шунинг учун ҳар бир хонадонга алоҳида ёндашув керак.

Йил бошида 174 нафар ишсиз аниқланганди. Бугунги кунга келиб, 152 нафарнинг бандлиги таъминланди. Рўйхатдаги 39 та камбағал оила билан индивидуал дастур асосида ишладик. Оила аъзолари касб-хунарга ўқитилди, ўзини ўзи банд қилиши учун кредит, субсидия ажратилди, моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 6 та оилага тикув машинаси, гўзаллик салони учун асбоб-ускуна, нон пишириш печи ва музлатки олиб бердик. 18 та оила аъзосига имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик. Бундан ташқари, 7 нафар ишсизни доимий, мавсумий ва жамоат ишига жойлаштириб, 23 та оила аъзоси касбга ўқитилди. Самарадорликни янада ошириш мақсадида аҳолига қўшимча даромад топиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш имконияти тушунтириляпти. Ўз соҳасида яхши натижага эришган тадбиркорлар билан ўқув-семинар, учрашув ташкил этяпмиз.

Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш учун имконият кўп. Чунки ҳудудда қурилиш бозори жойлашган. Ҳозир 259 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда. Улар маҳаллани иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга ўз хиссасини қўшмоқда. Масалан, “Уй-жой қурилиш”, “Инвест строй Нукус” масъулияти чекланган жамиятлари уй-жой қуриш ишларини амалга оширади, “Нукус Мед Тех” корхонаси тиббий шприц ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу корхоналарда 300 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

Меҳнат миграциясидаги фуқаролар 32 нафар эди. Ҳозир 24 нафар қолди. 5 нафарига имтиёзли кредит берилиб, 3 нафари ишга жойланди. Мавжуд 28 нафар хориждаги маҳалладошнинг оила аъзолари ҳолидан “хонадонбай” хабар олинди. Зарур ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 3 та оила аъзоси касб-хунарга ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказига йўналтирилди. Ўқишни тамомлагач, бандлиги таъминланди. 7 нафар фуқарога кредит берилди. Боқувчиси хорижда меҳнат миграциясига чиқиб кетган 18 нафар фуқарога дори-дармон, ногиронлик аравачаси, эшитиш аппарати, 4 нафарига ортопедик маҳсулотлар харид қилиш учун бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Тажрибамдан келиб чиқиб, иш жараёнида қоғозбозлик, ортиқча расмиятчилик ҳолатларига чек қўйиш керак, деб ҳисоблайман. Бу — иш самарадорлигига салбий таъсир қилади. Яна бир тақлим — ҳоким ёрдамчилари тадбиркорликка ўқитилиши керак. Чунки бошқаларни бу соҳага жалб этиш, ўргатиш учун ўзи мукамал билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Бунинг учун йирик тадбиркорлар билан учрашув ташкил этиш, ўқув-семинар ўтказиш яхши натижа беради.

## Даромад доимий меҳнат, дадил ҳаракат ва пухта режа асосида топилади

Учкўрғон тумани вилоятнинг олис ҳудудини бўлиб, 185 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Мавжуд 64 та маҳалланинг томорқа майдони 27 гектар.

Муҳиддин МАҲҚАМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Учкўрғон тумани бўлими бошлиғи.

Уйчи ва Сайхунобод туманлари тажрибасини қўллаган ҳолда ишсизлик ва камбағаллик қисқартириляпти. Йил бошида 5 минг 822 нафар ишсиз оила қайд этилганди. Бугунга келиб, ишсизлик 5 минг 276 нафарга қисқарди. Бунинг учун ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан кредит ҳамда субсидия ажратилиб, аҳоли ўзини ўзи банд қилди. “Сайхунобод тажрибаси” асосида 18 та маҳалла қулупнай етиштиришга ихтисослаштирилган. Масалан, “Истиқлол” маҳалласида ҳар бир оила йилига 50 миллион сўмгача даромад топмоқда. Тилобат Исмоилова томорқасида қулупнайнинг серхосил навини етиштириб, йилига 3 марта ҳосил олмақда.

“Курама” маҳалласида 2 минг 158 нафар аҳоли истиқомат қилади. Мавжуд 401 та хонадоннинг томорқа майдони 47,4 гектар. Унда маҳалла аҳли, асосан, сабзавот ва полиз маҳсулоти парваришлайди. “Сайхунобод тажрибаси” бўйича 7 та хонадон танлаб олиниб, 4 тасида иссиқхона, 3 тасида пенаблок ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди. Барча хонадонларда чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди. Абдуҳолик Раҳимов оиласи томорқадан самарали фойдаланиб, 50 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Хонадонда 5 сотихли иссиқхона бор.

Улўбек номидаги маҳалланинг асосий “драйвер”и — тадбиркорлик. Бундан ташқари, томорқада деҳқончилик, асаларичилик ва чорвачилик-



дан юқори даромад олинапти. Шокиржон Турсунов — Нодира кўчасида яшайди. У асаларичилик, паррандачиликни йўлга қўйган. Акбарали Умаралиев чорвачилик билан ўзини ўзи банд қилган. Қумрихон Зарифбоева устоз-шоғирд асосида тикувчилик билан даромадга эришиб келмоқда.

“Қозоқовул” маҳалласида томорқадан самарали фойдаланиш натижасида 10 та оила рўйхатдан чиқарилиди. Ҳамидаҳон Аҳмедова 4 сотих ерга қулупнай, саримсоқпиз қадаган. Жорий йил бу тадбир асосий даромад манбаига айланди. Одина Исмоилова ховлисидаги 6 сотих майдонда қулупнай, зиравор, қўқат парваришлямоқда.

Миграциядагилар билан ишлашда ҳар бир маҳаллада ўзига хос тажриба яратилган. Индивидуал дастур асосида уларга зарур

кўмак кўрсатилмоқда. Йил бошида 8 минг 297 нафар мигрант ҳисобига олинганди. Бугунги кунда аксарияти ортага қайтишига эришдик. Улар ўзимизда яшш даромад топиш мумкинлигини англаб етди.

“Шаҳрихончек” маҳалласида яшовчи Камолитдин Йўлдошев кўп йиллар хорижда ишлаб юрди. Даромади ўзидан ортмасди. Миграцияда юриб, кам маош олаётган фуқаролар билан тарғибот ишлари натижасида оиласи бағрига қайтди. Ҳозир пайвандловчи хунари ортидан ўзи ва яна икки нафар маҳалладошининг бандлигини таъминлади.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида олис ва чекка ҳудуддаги маҳаллалар ўзгача кифоа касб этмоқда. Яқин йилларда оғир шароитдаги “Каттачек” маҳалласи бугун обод ва фаровон. Ушбу гўшадаги 3 минг 900

нафардан ортиқ аҳолининг ўзaro бирдамлиги тўғрисида ҳудудда “Яшил макон” яратилиб, боғда мевали дароҳт кўчатлари парваришланмоқда. 2024 йилги баҳор мавсумида маҳалла аҳли мазкур боғга 5 минг тулдан ортиқ мевали ва манзарали дароҳт кўчати эқди.

Дастур асосида замонавий лойиҳалар асосида маҳалла идораси, 39-боғча биноси мукамал таъмирланиб, 10-умумий ўрта таълим мактаби учун 330 ўринли ўқув маскани қурилди. “Каттачек” оилавий шифокорлик пункти таъмирланиб, янги лаборатория бунёд этилди. Қишлоқдаги хиёбон қайта реконструкция қилинди. Шунингдек, 18,5 километр ички йўл асфальтланди, 1 та сув иншооти қурилди, 3 километр масофада ичимлик сув тармоғи тортилди, 3,4 километр масофадаги электр тармоғи янгиланди.

### ТОМОРҚА МАКТАБИ

## Ҳарорат қанчалик маҳсулотга қанчалик хавотирли?

Айни дамдаги совуқ ҳаво кишлоқ хўжалиги учун қанчалик хавотирли? Кўпчилик томорқачи ва боғbonларни шу савол тўнғирмоқда.

Шухрат ОТАЖОНОВ, Кишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Дарҳақиқат, шу кунларда ҳаво ҳарорати кечалари -10 даража атрофида совиб кетяпти. Бу иссиқхона учун ноқулай.

Ўзбекистон ҳудудда иситилмайдиган иссиқхоналарда лимон етиштириш кенг омалашган. Биринчи навбатда шу йўналишда банд бўлганлар учун маслаҳат берамиз.

Лимон дарахтининг ёш новда ва меваси -1,5-2 даражада, дарахтнинг ўзи -5-6 даража

совуқда зарарланади. Хандак ва иссиқхонада ҳарорат ташқарига нисбатан иллик бўлса-да, вазиятни назорат қилиш талаб этилади. Иссиқхонада етиштириляётган бодринг ҳарорат 0 даражада нобуд бўлади. Помидорнинг -7 даража ҳароратда илди тизими, -1-2 даража совуқда ўзи музлайди.

Мевали боғларга ҳозирги совуқ жиддий таъсир кўрсатмайди. Шафтоли — совуққа чидамсиз. Бир йиллик новдаси -22-26 даражага, олманинг жанубий нави -32-35 даражадан паст бўлганда, баъзилари -21 даражага чидамайди. Урик -30 гача тураверади. Гилос — совуққа чидамсиз. Уни -28 даражада совуқ уради. Анорнинг бир йиллик новдаси ҳарорат -12-15 даражага пасайганда, шох-шаббаси -15-16 даражада зарарланади. -18-20 даражада барча ер устки қисми нобуд бўлади.

## Мевали дарахтлар “душмани”ни биласизми?



Тешикли доғларнинг — дамакли мевали дарахтларда кенг тарқалган касаллик. Айниқсан, ўрик ва шафтолига жиддий зарар етказиши. Касаллик дарахтнинг тез нобуд қилиши билан. Ҳосил миқдори ва сифатини пасайтириб, янги новда ва шохлар ривожланишини камайтиради.

Баҳор сернам ва салқин келса, ўрик мевасининг усти кўтир билан қопланади. Маҳсулот нафақат бозорбоплигини йўқотадди, балки истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Ҳўш, унга қарши қандай курашиш мумкин? Энг самарали чора — дарахтга фунгицид пуркаш. Гули очилган пайтда бу фойда берамайди. Кузда барг тўкилгандан кейин ва баҳорда куртақлар бўртишидан олдин мис хлороксида ёки бордо суюқлиги билан яхши самарага эришиш мумкин. Мавсум давомида 2-3 марта, гуллагандан кейин дарҳол 1 фозили бордо суюқлиги пуркаш лозим.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

Иzzатилла БОБОЖОНОВ. Уйчи тумани:

— Хусусий қорхона раҳбариман. Яқинда қоровул штатида кундузи 8 соатлик режимида аёл кишини ишга қабул қилдим. Фақат кундуз кунини ишлайди. Туман кўриқлаш хизматидан ходим келиб, бу нотўғри эканини айтди. Қонунчиликда аёл кишини қоровул штатида ишга қабул қилиш тақиқланганими?

## Аёл кишини қоровуликка олса бўладими?



Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлигининг медиа маркази раҳбари:

— Бу талаб асоссиз. Қонунчиликда аёл киши қоровул бўлиб ишлашига чеклов йўқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига кўра, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. 58-моддада хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли экани белгиланган.

Меҳнат кодексининг 4-моддаси (меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш принципи)га биноан, ҳар ким меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятга эга. Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тақиқланган. Жинси, ёши, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, қариндошларида судланганликнинг мавжудлиги, мулкий ҳолати ва мансаб-мавқеи, яшаш жойи, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимнинг ишчанлик сифатига қараб, меҳнат ва машғулотлар соҳасида тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклов белгилаш ёки имтиёз бериш камситишдир.

Агар номзод қоровуллик талабига жавоб берса, аёл киши экани бу касалликни қўқайтаради!



**ҚОНУН  
ЛОЙИҲАСИ:**  
курулиш ва  
атмосфера ифлосланиши  
учун жавобгарлик  
БҲМнинг 10 ёки  
50 бараваригача  
бўлиши мумкин.



**Заргарлик  
буюмларини  
ишлаб  
чиқарувчиларга  
СОЛИҚ  
ИМТИЁЗЛАРИ  
берилади.**



**Ноқонуний  
сунъий тўсиқлар  
ўрнатиш, йўлларни  
тўсиб қўйиш  
ҳолатларига  
ЖАВОБГАРЛИК  
БЕЛГИЛАНАДИ.**

НИГОҲ

## Хар бир масалада етақчида хар доим ечим бўлиши керак

Маҳалладаги ёшлар етакчилари ўтказган хатловга асосан, тумандаги 34 минг 623 нафар ёш учта тонфага ажратиб олинди. “Қизил” тонфадаги ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, улар билан индивидуал ишлаш мақсадида 331 нафар ёш вилоят ва туман сектор раҳбарлари ҳамда корхона ва ташкилот бошлиқларига бирктирилди. Йил давомида улар билан ишлаш бўйича “Йўл хариталари” ҳамда Бандлик дастурлари тайёрланди.



**Собиржон БАҲРОНОВ,**  
Ўзбекистон маҳаллалари  
уюшмаси Кармана тумани  
бўлими бошлиғи.

Бу жараёнда ёшларнинг муаммолари уларга имтиёзли кредитлар ажратилиши, “Ёшлар дафтари” ҳамда “Саховат ва кўмак жамғармаси” ҳисобидан шартнома пулининг ярмини тўлаш, бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали ҳал этилди. Шунингдек, соғлиғида муаммоси бўлган бемор ёшларнинг даволашиш харажатларини қоплаб бериш, сафарбарлик қақуруви резерви тўловларини тўлаш, ёшларни спортга, хусусан, “Беш ташаббус олимпиадаси”га жалб қилиш мақсадида тегишли пул маблағлари ажратилиши белгилаб олинди.

“Уйчи тажрибаси” асосида ўтказилган хатловда вилоят бўйича 5 175 нафар норасмий банд бўлган ёш аниқланди. Улар электрон платформага киритилиб, бугунгача барчасининг бандлиги таъминланди. Аҳоли

тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган дастурлар доирасида 2024 йил бошидан 575 нафар ёшга 12 565,0 млн. сўм маблағ ажратилди.

Ҳозирда ёшлар билан ишлашнинг “маҳалла-туман-вилоят-республика” тизими яратилган. Ушбу тизим асосида ёшлар етакчилари уйма-уй юриб, “Ёшлар баланси”ни тўлиқ шакллантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож йигит-қизларни “Ёшлар дафтари”га киритиш ҳамда маҳаллаларда уюлмаган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу асосда ўтган давр мобайнида 824 нафар йигит-қизнинг 65 нафари домий ишга жойлаштирилди, 13 нафарига ер ажратилди, 24 нафарига 28,5 млн. сўм тураржой ижараси тўлаб берилди, 11 нафарига паспорт бадали, 5 нафарига касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилди, 15 нафарига сафарбарлик қақуруви резерви учун 99,1 млн. сўм, 38 нафарига ўқув марказларига ўқитиш харажатларини қоплаш учун 44,7 млн. сўм тўланди.

Шу билан бирга, 26 нафар ёшга ўз фаолиятини мустақил бошлаши учун 173,3 млн. сўм, 95 нафар бемор ёшга даволашиш харажатлари учун



316,5 млн. сўм, 4 нафарига ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун 5,3 млн. сўм пул маблағлари ажратилди. Умуман олганда, дафтardaги 756 нафар ёшга 2,2 млрд. сўмлик турли ёрдамлар кўрсатилди. Қолган 68 нафарига амалий ёрдам бериш ишлари давом этмоқда.

Жорий йил давомида вилоятда “Миллий кадрларимизни асраш”, “Фарзанд тарбиясига бефарқ бўлмаслик”, “Менинг маҳаллам жиноятчиликдан холи ҳудуд”, “Мен маҳалламга бефарқ эмасман” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. “Заковат” мусобақаси, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон” ва “Мунозара” интеллектуал уйинлари ёшлар орасида оммалашди. Бугунгача уларга 2 038 нафар ёшнинг иштироки таъминланди.

Ҳозирда етакчилар “Мактаб – ота-она – маҳалла” тамойили асосида тизимли иш олиб борапти. Хар бир маҳалла ёшлар етакчиси эрталаб мактаб ҳудудида директор билан бирга ўқувчиларни кутиб олиши ва даволат билан жиддий шуғулланиши ўқитувчиларга дарсни ўз вақтида ташкил этишда анча енгиллик яратди. Ўқув йили давомида туман-

даги 32 та таълим муассасасида маҳалла раиси ва ёшлар етакчиси иштирокида 178 та ота-оналар мажлиси ўтказилди. Билдирилган таклифлар ва муаммолар юзасидан 46 та масала ҳамкорликда бартараф этилди.

Икки йилдан буён ўтказиб келинаётган “Беш ташаббус олимпиадаси”да спорт бўйича ташкил этилаётган мусобақалар ёшларни жисмонан соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Мусобақаларда иштирок этиш мақсадида тумандаги жами 43 минг 159 нафар ёшнинг 32 минг 975 нафари онлайн платформа орқали рўйхатдан ўтди.

Ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини ривожлантириш бўйича туманда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Биз йигит-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини, яратувчанлигини қўллаб-қувватлашга ҳамisha тайёрмиз. Шу мақсадда барча маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими манзилли, тартибли, самарали олиб борилапти. Ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмаслигига, муаммолар маҳалланинг ўзида ечим топишига ҳаракат қилинапти.

МАНЗАРА

## Аввал намуна бўлсангиз, ортингиздан ёшлар доим эргашади

Олдин жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлардим. Ўқувчи-ёшлар билан ишлашда тажрибам бўлгани кейинчалик ёшлар етакчиси сифатида ишлашда менга қўл келди. Бироқ бу вазифани адо этишда ўқитувчиликдаги тажрибанинг ўзи етарли эмас экан. Ушбу масъулиятли лавозимда хар томонлама билим ва маҳорат соҳибни, хар соҳада ёшлардан-да илғор бўлиш талаб этилади.

**Шодиёр ИМОМОВ,**  
Яккабўғ туманидаги  
“Алакўйлак” маҳалласи  
ёшлар етакчиси.

Спорт соҳасида дейсизми, китоб мутолааси, касб-хунар ўрганиш, тадбиркорлиқни бошлаш бўлади, уларга намуна бўлсангизгина йигит-қизларни ортингиздан эргаштира оласиз. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ёшларни кўпроқ IT соҳаси ва бошқа замонавий касбларни ўрганишга тарғиб қилиб, ушбу соҳаларда бепул таълим олиш имкониятини қўлдан бой бермасликни тушунтиряпман. Имконияти чекланганларга онлайн таълим олишлари учун “Ustoz AI”, “Ибрат фарзандлари” платформаларини юкляб бериб, имкон қадар билим олишларига шароит яратмоқдамиз.

Спорт тўғрақлари ва таълим курсларига қатнашишда ёрдам сўраб, ёнимга келганларга қизиққан соҳасига кўра йўл-йўриқ кўрсатаман. Шундай ёшлардан бири Тўлқин Баратов немис тилига қизиқиши ва тил ўрганиб, хорижга ишлаш учун кетмоқчи эканини билдирди. Унга 1 млн. 800 минг сўм

миқдордаги 3 ойлик тўғарак пулини тўлаб бердик. Ўқишни тамомлаб, Германия давлатига жўнаб кетганига икки ойдан ошди.

Маҳалламизда ёшлар аҳолининг 60 фоизини ташкил қилади. Улар, асосан, деҳқончилик фаолияти билан шуғулланади. Деҳқон хўжалигида бу йил ёшларга аукцион орқали 30-50 сотихдан ер ажратиб, бандлигини таъминлашга эришдик. Улар ер билан ишлашда керакли билимларни олиб, картошка, пиёз екишди. Ҳосил йиғиб олинганча, такрорий экин сифатида 5 гектар ерга қарамнинг жуда фойдали ва мазали тури – брокколи ўсимлигини қадашди. Негаки, аҳоли орасида соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга оммалашаётгани боис брокколи навли қарамнинг аҳамияти ортиб борапти. Унинг таркибиде кўплаб озуқа моддалар мавжуд ҳамда алоҳида ўзига хос таъмига эга. Шунинг учун ушбу сабзавот экинни билан аҳолини узлуксиз таъминлаш мақсадида жорий йил ҳосили учун барча ёшларга иккинчи экинга брокколи етиштиришни тавсия қилдик. Бундан ташқари, бу ўсимликни хорижга экспорт қилишга



талаб юқори. Ундан яхшигина даромад олиш мумкин. Тадбиркорликни энди бошлаётган ёшлар маҳалламизда етарли топилди. Ҳозиргача 15 нафар йигит-қизга имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди. Жумладан, Алибек Ортиқов бир неча йилдан буён сартарошга шогирд тушиб, ўзи ҳам бу соҳада анча уста бўлган. Кўп вақтдан буён сартарошхона очиб, алоҳида фаолиятини бошламоқчи эди. Бунинг учун жой

тайёр, аммо сартарошлик анжомлари йўқлиги боис ишни орқага суриб турган экан. Унга имтиёзли кредит ажратиб, керакли анжомлар олиб бердик. Ҳозирда ушбу хунар орқали аҳолига хизмат кўрсатиб, яхши фойда кўрмоқда. Новвойлик билан шуғулланаётган яна бир удабабурон йигитимиз Сардор Мухторов пишираётган нонлар ўзининг кўплаб истеъмолчиларига эга. Иш бошлашдан олдин унга

имтиёзли кредит асосида печь ва хамир тайёрлаш жиҳозлари олиб берилган эди. Ҳозирда доимий миқдорлардан ташқари, маҳалладаги хусусий боғчаларга нон тарқатиб, хизмат кўрсатмоқда.

Ёшларнинг бўш вақти тўғрақлар, спорт машғулотлари билан банд этилган. Кечки пайтда спорт билан шуғулланиши учун “маҳалла еттилиги” кўмагида воркаут майдончаси қурдик. Йигит-қизлар ҳозир бу ерда турли машғулотларни ўтказишади. Бундан ташқари, тадбиркорлар ташаббуси асосида қурилган иккита мини футбол майдончаси хар куни ўсмир ёшлар билан гавжум.

Худудимиздаги иккита мактабда кутубхоналар мавжуд. Аммо улар кечки 17.00 дан кейин ёпилади. Йигит-қизларнинг иш ва ўқишдан кейинги бўш вақти айнан кечки пайтга тўғри келади. Ёшлар исталган вақтда мутолаа қилиш, китоблардан фойдаланиш имконияти бўлишини хоҳлайди. Шу боис маҳаллада кўп ўринли кутубхона ташкил этиш таклифини билдирмоқчиман. Бу орқали йигит-қизларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш ва мутолаага аввалгидан кўпроқ ёшни жалб этишга эришиш мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

**Навбахор МҰМИНОВА,**  
Сўх тумани:

– “Ёшлар дафтари”да тураман. Яқинда оёғимдан оғир жароҳат олдим. Даволаниш учун бир марталик моддий ёрдам пули олмақчиман. Аммо яқинларим бу кўмакни олсам, “Ёшлар дафтари”дан чиқарилишимни айтишди. Ҳўш, бир марталик моддий ёрдам ижтимоий дафтардан чиқаришга асос бўладими?

## “МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛСАМ, “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ДАН ЧИҚАМАНМИ?”

**Исожон МАСТОНОВ,**  
Ёшлар ишлари агентлиги Сўх тумани  
бўлими бошлиғи:

– “Ёшлар дафтари”га киритилган моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам ариза берувчининг ҳаётини вазияти мураккаблиги, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож эканини инобатга олган ҳолда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда тўлаб берилади. Моддий ёрдам шахсга бир йил давомида бир мартаба берилади.

Демак, бир марталик моддий ёрдам берилиши сизни “Ёшлар дафтари”дан чиқаришга асос бўлмайдми. Аммо юқоридагилардан келиб чиқиб, сиз бир йил давомида фақат бир мартаба бу кўмакни олишингиз мумкин.

Айтиш керакки, бир марталик моддий ёрдам ажратишни сўраб, маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза берасиз. Етакчи уч иш кунда сизнинг ижтимоий тоифангиз ва ҳолатингизни ўрганади ҳамда моддий ёрдам ажратиш ҳақидаги тавсиянома ёки рад этиш тўғрисида хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Васийлик кенгаши қарори асосида туман (шаҳар) ҳокимликлари “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағни уч иш куни ичида Халқ банкнинг тегишли бўлими (филиали)га ўтказиши. Банк сизга моддий ёрдамни нақд ёки нақд пулсиз шаклда тўлаб беради.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

**Элдор БОҚИЕВ,**  
Нишон тумани:

– *Асли касбим – ўқитувчи. Яқинда маҳалла ёшлар етакчиси сифатида тайинландим. Бироқ етакчилик билан бирга, ўқитувчилик фаолиятини ҳам давом эттирмоқчиман. Олдин синф раҳбарлиги вазифаси менинг зиммамда эди. Ҳозир ҳам бу фаолиятни давом эттира оламани?*

## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ СИНФ РАҲБАРИ БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

**Маҳманазар ТАНГРИЕВ,**  
Нишон тумани адлия бўлими  
бошлиғи:

– Амалдаги қонунчиликка асосан, бу мумкин эмас. Сабаби, 2019 йил 29 августда тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасасининг синф раҳбарлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Муваққат Низомнинг 4-боб 11-баддаги кўра, бир ўқитувчига фақатгина битта синф раҳбарлиги топширилади. Директор ўринбосари, психолог, ёшлар етакчиси синф раҳбари бўлиши мумкин эмас, деб таъкидланган.

Шу сабабли ёшлар етакчисига фақат ихтиёрий равишда 0,25 ставкадан ошмаган тартибда мутахассислиги бўйича ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишига рухсат берилган.



Ўзбекистонда  
МИЛЛИЙ  
ҲАЛОЛЛИК  
ТИЗИМИ  
жорий  
этилади.



Тошкент шаҳрида  
АСОСИЙ АРҲА  
Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонасининг  
олд майдонида  
ташкил қилинади.



Ноябрда  
Ўзбекистон  
аҳолиси орасида  
СЕЗИЛГАН  
ИНФЛЯЦИЯ даражаси  
14,1 фоизгача  
қутарилди.

## Дахлдорлик ташаббусга, ташаббус тараққиётга етаклайди

Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Оқдарё туманидаги 35 та маҳалла тинчлик ва аҳиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик маконига айланди. Маҳаллаларда барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бунинг тасдиғи сифатида маҳаллаларда тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари, доимий даромад манбалари яратилаётгани, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит мустақамланиб, жиноятчилик камайиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.



Бекзод ДАМИНОВ,  
Ўзбекистон маҳаллалари  
уюшмаси Оқдарё тумани  
бўлими бошлиғи.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилга қарайдиган бўлса, 1 670 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. 505 нафарига кредит, 45 нафарига субсидия маблағлари ажратилди. 656 нафари касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 1 121 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Деҳқончилик қилиш истагида бўлган 1 860 нафар ёшга 404 гектар ер майдони ажратилди.

Ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқталари” аниқланиб, маълум соҳаларга ихтисослаштирилмоқда. Масалан, “Пичоқчи” маҳалласида куруқ меваларни қайта ишлаш ва қадоклаш ҳамда чет давлатларга экспорт қилиш кенг ривожланмоқда. Ҳозирда экспорт қиладиган корхоналар сони саккизтадан ортиқ. Шулардан биттаси – “Пичоқчи экспорт савдо” МЧЖ бўлиб, мингдан ортиқ хонадонни қасаначилик билан қамраб олган. Корхонанинг ўзида 100 нафардан зиёд фуқаро меҳнат қилмоқда. Мазкур йўғинда автомобиллар ўриндиқларига қоллама-лар тикиш корхонаси бўлиб, унда 100 нафардан ортиқ

фуқаро банд. Шунингдек, хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда “Т-НУТС” корхонаси ёндирғич ва ёритгичлар ишлаб чиқармоқда. Бу ерда 20 нафардан зиёд фуқаро доимий даромадга эга бўлмоқда. Туманда “Сайхунбод тажрибаси”дан келиб чиқиб, 1 985 та хонадон интенсив боғ, паррандачилик, балиқ етиштириш, асаларичилик йўналишларига ихтисослаштирилди. Шунингдек, 1 583 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 18 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, 2 203 та янги иш ўринлари яратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 13 306 нафар аҳолига эҳтиёжларидан келиб чиқиб, моддий ёрдам, ногиронлик аравачаси, протез-ортопедия, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Ноябрь ойи ҳолатига кўра, 1 055 та камбағал оиланинг 788 таси камбағаллик даражасидан чиқарилди. Аҳоли муаммолари доимий ўрганилиб, мавжуд масалалар ҳал этилмоқда. Жумладан, Амир Темур но-

мидаги маҳаллада жойлашган 27-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ва 30-умумтаълим мактаби ўқувчилари орасида артезиан сувини истеъмол қилиши натижасида гепатит А (сарик) касаллиги кўпайган эди. Ишчи гуруҳ мазкур маҳаллада сув минорасини таъмирлаб, 1 километрга яқин сув қувури тортиди. Натижада боғча ва мактаб ҳамда 50 га яқин хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланди. Туманда маҳалла

институтини ривожлантириш ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг моддий-техник таъминоти яхшиланмоқда. Жумладан, “Бошдархон” маҳалласи биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Учта маҳаллага компьютер ҳамда битта кўп функцияли принтер ускуналари, бешта маҳаллага мебель жамланмалари тақдим этилди. Маҳаллаларни обод қилиш, уларнинг инфратузилмасини

ривожлантириш борасидаги ишлар туман қиёфасини тубдан ўзгартириб, халқимиз турмуш даражаси ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. “Маҳалла еттилиги” илгари сураётган таклифлар асосида аҳоли ҳаётига тааллуқли кўпгина долзарб масалалар ўз вақтида ва самарали ҳал этилмоқда. Энг муҳими, юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллиги, ўз маҳалласи, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик ҳисси ортмоқда.



## “Тадбиркорга тўғри тушунтириш бердик, натижада тушумлар ортди”

Шу соҳада ўттиз йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, солиқ инспекторларининг “маҳалла еттилиги” таркибида “маҳаллабай” ишлаши барча учун манфаатли бўляпти.

Шукр МУСАБЕКОВ,  
Оққўрғон туманидаги  
“Толовул” ва Уста Нормат  
номидаги маҳаллалар  
солиқ инспектори.

Фуқаролар олдингидек солиқ тўловларни тўлаш учун туман марказига қатнаб, вақтини ва пулини йўқотмапти, аксинча, биз уларнинг хонадонига бориб, керакли ёрдамларни кўрсатаймиз. “Хонадонбай” ишлашимиз натижасида қўшимча манбалар аниқланиб, маҳаллий бюджетга тушумлар ортмоқда. “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислохотларини тушунтиряймиз. Маҳалла бюджетини шакллантирувчи асосий манба тадбиркорлик субъектлари бўлгани учун бу соҳага қизиқувчи ёки фаолиятини энди бошлаётган фуқароларга зарур маслаҳат ва кўмак беряпман. Хуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган тадбиркорлар билан манзилли ишлаяпман.

Иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш бўйича тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини айтяпман. Бугун солиқ ислохотларнинг амалий натижасини ҳар бир фуқаро, тадбиркор кундалик ҳаётида сезмоқда. Натижада юзлаб фуқаролар тадбиркорлик билан қонуний шугулланиб, ўзи ва оиласини даромадли қиляпти. Ўз навбатида, худудларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўллари излаяпмиз. Масалан, менга бириктирилган “Толовул” ва Уста Нормат номидаги маҳаллаларда мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда деҳқончилик, чорвачилик ва тадбиркорлик ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда мазкур маҳаллаларда 64 та юридик шахс ва 48 нафар якка тартибдаги



тадбиркор фаолият юртияпти. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган 210 нафар фуқаронинг 16 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. 64 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларда турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Аҳолига мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган

солиқ тушумларнинг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга ишлатилишини кенг тарғиб этяпмиз. Натижада фуқаролар солиқ тўловларни ўз вақтида амалга оширяпти.

### СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

### СОЛИҚ КУНДАЛИГИ

#### 1 МЛН. СЎМ СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Пахта етиштирувчилар биржа савдолари орқали реализация қилган (электрон ҳисобварақ-фактура асосида) бир тонна пахта хом ашёси учун Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 млн. сўм миқдорда субсидия олади.

Пахта-тўқимачилик корхоналари етиштирган пахта хом ашёси ҳамда уруғлик пахта бундан мустасно. Шундан келиб чиқиб, пахта хом ашёси ва пахта толаси учун маҳсулотлар ва хизматларнинг идентификация кодлари (МХИК)га ягона ўлчов бирлиги сифатида – тонна бириктирилди. Ушбу маҳсулотлар учун электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда тонна ўлчов бирлиги автоматик равида шаклланди.

#### АОС ТЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Айланмадан олинандиган солиқ (АОС) ни қатъий белгиланган суммада тўловчи тадбиркорлар 2025 йил 1 январдан АОСни 4 фоиз (ёки бошқа солиқ ставкаларида) тўлашга ўтиш учун 2024 йил 15 декабрда (шу кунга қадар) солиқ органини хабардор қилишлари керак. Бунинг учун [my3.soliq.uz](http://my3.soliq.uz) сайтидаги шахсий кабинетдан “Айланмадан олинандиган солиқ тўловчилар учун қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкасига ўтиш (рад этиш)” бўлимидаги ҳавола орқали рад қилиш хабарномаси юборилди.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.



### НАТИЖА

## Қулай ишбилармонлик муҳити яратилди

Солиқ органларининг ишни “маҳаллабай” ва “корхонабай” шаклида манзилли ташкил этиши, солиқ тўловчиларга қонунийликка риоя қилиш ва солиқ мажбуриятларини бажаришга кўмаклашини натижасида 71 387 нафар солиқ тўловчининг товар айланмаси 30 фоиздан ортди.

Музаффар НАЗАРОВ,  
Солиқ қўмитаси бошқарма  
бошлиғи ўринбосари.

Маҳаллий бюджетларнинг даромади бўлган мол-мулк ва ер солиқлари тушуми ўтган 11 ойда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 28 фоизга ошди. Ҳар бир тадбиркор, фуқаро биргина телефон орқали “Soliq” мобил иловасидаги

“Солиқ бизнес” хизматидан фойдаланиб, дунёнинг қайси бурчада бўлишдан қатъий назар, мажбуриятини бажариши, рақбар ёки таъсисчи бутун бошли бизнеси бухгалтерияси қандай ишлаётганини кузатиб бориши, қонуний ишлаётган бизнес ҳамкорларни танлаши мумкин. Ушбу иловадан жорий йилнинг ўзида 862,1 млн. марта фойдаланилди.



Рақамли ислохотлар натижасида бизнес субъектларининг “яшовчанлик” даражаси 3 йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган улуши 72 фоизга етди. Шунингдек, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган жами хўжалик субъектлари сони 561,9 мингга, яқка тартибдаги тадбиркорлар 290,1 минг нафарга етди. 4,3 млн.

нафардан ортиқ фуқаро ўзини ўзи банд қилиш тизими орқали меҳнат қилишнинг қонуний йўлига ўтди. Биргина энгил автомобилда йўловчи ташиш фаолиятининг ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолият турларига киритилиши натижасида илгари яширин ишлаган 520,9 мингга яқин такси хизмати қонунийлаштирилди.



2025 йилда ота-оналардан дарсликлар ва машқ дафтарлари ижараси учун Қўшимча Тўлов ундирилмайди.



“Jibek Joly” САЙЁХЛИК ПОЕЗДИ Ўзбекистон ва Қозоғистонни боғлайди.



Ноябрь ойида иккиламчи автомобиль бозорига НАРХЛАР ПАСАЙДИ.

НАЗАР

ОГОҶ БЎЛИНГ!

# 21 та йиғинда “Хавфсиз маҳалла” тамойили жорий этилди

Бугунги кунда Хива шаҳридаги 21 та маҳаллада 98 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, турмуш шароитини янада яхшилаш – асосий вазифаларимиздан. Шу мақсадда аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир жами 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича барча маҳаллаларнинг “баланси” шакллантирилди.



Шухрат САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хива шаҳар бўлими бошлиғи.

Ш аҳардаги маҳаллаларнинг ихтисослашуви ўрганилиб, “драйверлари” аниқланди. Шунга мувофиқ, маҳаллаларни ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида Сайхунобод ва Уйчи туманлари ҳамда “Истиқлол” ва “Дилбулоқ” маҳаллалари тажрибалари йўлга қўйилди. 105 та хонадонда Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибасининг йўлга қўйилиши натижасида 248 та янги иш ўрни яратилди.

Йил ҳисобида шаҳар бўйича 10 минг 100 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Жумладан, 1,5 минг нафари доимий, 511 нафари жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди. 1 320 нафари касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 5,5 минг нафари ўзини ўзи банд қилди. 1 227 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Маҳаллаларни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури татбиқ этилмоқда. Хатлов жараёнида аниқланган 2 минг 582 та камбағал оила билан манзилли иш олиб бориляпти. Улар турли ташкилот раҳбарларига бириктирилиб, ишсизлари банд қилиняпти. Моддий ёрдам, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилмоқда. Яшаш шароитлари яхшиланиб, ижтимоий нафақалар

тайинланди. Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 772 та оила камбағалликдан чиқарилди.

Жинойятчиликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича шаҳримиздаги 21 та маҳаллада “Хавфсиз маҳалла” тамойили жорий этилмоқда. “Маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан 20 та маҳаллага шахсни юзидан танийдиган ва автотранспортларнинг давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқлайдиган 84 та замонавий видеокузатув қурилма ўрнатилди. “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган фуқаролар билан мунтазам профилактик тадбирлар ўтказиши натижасида “яшил” тоифадаги маҳаллалар 8 тадан 10 тага, “сарик” тоифадагилар 7 тадан 8 тага кўпайди. “Кизил” тоифадаги йиғинлар 6 тадан 3 тага қисқарди. Ҳозир “қизил” тоифадаги 3 та маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш мақсадида Миллий гвардия ходимлари ва профилактика инспекторларидан иборат патруллик йўналишлари жо-

рий этилиб, “еттилик” аъзолари профилактик тадбирларни давом эттирмоқда.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари хорижда юрган мигрант фуқаролар билан доимий мулоқотда. Сухбатлар натижасида кам даромад топаётган 478 нафар фуқаронинг юртга қайтарилишига эришилди. Миграциядан қайтган 191 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди, 48 нафарига 598 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди, 1 нафари даволанишга юборилди. 41 нафарига 53 млн. сўмлик моддий, 11 нафарига ҳуқуқий, 7 нафарига психологик, 40 нафарига бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

Бугунги кунда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барча маҳаллаларда кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиши ишлари қизғин давом этмоқда. Янги боғлар, гулзорлар ташкил этилмоқда. Ушбу эзгу ишларда шаҳар аҳолиси янада фаол иштирок этиб, дарахт кўчатларини экишга масъулият билан ёндашяпти.



## КИБЕРЖИНОЯТ ЯНГИЧА ТУРЛАНМОҚДА

Бугунги кунда ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига жадал суратларда кириб келди. Иш жараёнлари, молиявий операциялар, ижтимоий мулоқотлар, онлайн савдо, умуман, ҳар қандай электрон операциялар орқали қимматли вақтимиз тежалмоқда.



Б ироқ бу қулайликлар билан бирга, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг сони ва хавфи ортиб бормоқда. Айниқса, уларнинг янги шакллари – “фишинг” ҳужумлари, қалбаки веб-сайтлар ва зарарли дастурлар орқали маълумот ўғирлаш кенг тарқалмоқда. Улар шахсий маълумотларингизни қўлга киритиш ёки молиявий зарар етказиш учун турли усуллардан фойдаланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг асосий қисми инсонларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларининг етишмаслиги сабаб содир бўлади. Масалан, сўнги пайтларда фирибгарлар банк ёки бошқа ишончли ташкилот номи остида электрон хатлар ёки “SMS” хабарлар юбормоқда. Улар шахсий маълумотларингизни ёки карта реквизитларингизни беришингизни талаб қилади. Ҳатто бир босқичли ҳаволалар орқали қурилмангизга зарарли дастурлар ўрнатилиши ҳам мумкин. Бундай жиноятлар қурбонига айланмаслик учун оддий қоидаларга амал қилиш лозим.

Энг аввало, шахсий маълумотларингизни ҳеч қачон номаълум шахслар билан бўлишманг. Банк ёки бошқа ташкилотлар ҳеч қачон “SMS” ёки кўнғироқ орқали сиздан шахсий маълумотларни сўрамайди. Паролларингиз мурраккаб ва турли белгилардан иборат бўлиши керак. Ҳар бир онлайн хизмат учун алоҳида пароллар яратиш тавсия этилади. Икки босқичли аутентификация орқали шахсий ҳисобларингизни янада хавфсиз қилишингиз мумкин. Шунингдек, қурилмаларингизда замонавий антивирус дастурлари

ўрнатилган бўлиши лозим. Ҳақиқий воқеалар ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг аҳамиятини янада аққол кўрсатади. Бугунги кунда кўплаб юртдошларимиз турли хил номаълум ҳаволаларни босиб, пластик карталари ҳисобидаги маблағларини осонлик билан ўғирлатмоқда. Бу ҳавола орқали фирибгарлар юртдошларимизнинг қурилмаларига зарарли дастур ўрнатиб, шахсий маълумотларни қўлга киритишяпти. Бу каби ҳолатлардан сабоқ чиқариб, хавфсизлик қоидаларига амал қилиш кибержиноят қурбонига айланишдан сақлайди.

Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш кучайтирилмоқда. Қонунчилик базаси такомиллаштирилиб, интернет фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари кўриляпти. Бироқ ҳар биримиз шахсий масъулиятни ҳис қилиб, интернетдан оқилона фойдаланишимиз шарт. Ахир хавфсизликнинг асосий қалити – ҳушёрлик ва билимдир.

Шунинг учун ҳар доим интернетда бирор маълумотни алмаштириш, шубҳали ҳаволаларга кириш, бегона шахслар томонидан “сизга совринли ютуқ чикди”, “фоизсиз кредит расмийлаштирамиз” ёхуд шу каби бошқа ҳолатлардан олдин ўзингизга қуйидаги саволни бериш: “Бу маълумотни алмашиш қанчалик хавфсиз?” Ҳимояланганингиз асосий йўли – бу ҳушёрлик ва ахборот хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишидир.

Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси.



МУТАХАССИС ФИКРИ

## Ёнғинни ўчиришдан, олдини олган АФЗАЛРОҚ

Куз-қиш мавсумида об-ҳавонинг кескин совиб кетиши, газ ва электр энергияга бўлган эҳтиёж кўпайиши натижасида ёнғинлар сони ортади. Шу боис ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида республикамиз бўйлаб “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилади.

“Олов – тилсиз ёв”, деб бежиз айтилмайди. Назоратсиз қолдирилган олов, албатта, салбий оқибатларга олиб келади. Бироқ бепарволик катта талофат келтиришини ҳамма тушунавермайди. Шунинг учун муҳим керакки, оддий қоидаларга риоя қилмаслик – тинчлик-осойишталикдан маҳрум бўлишга, энг қадрли ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқин инсонлардан айрилишга ёки бир умрга ногирон бўлиб қолишга сабаб бўлиши мумкин.

Содир бўлаётган ёнғинлар ва ис газидан захарланишлар ҳар биримизни огоҳликка, ҳушёрликка чорлаши зарур. Озгина бепарволик, эътиборсизлик ва болалар шўхликлари оқибатида ҳаётимиз учун хавф солувчи кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлишининг олдини олишда ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт.

Ёдингизда бўлсин, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ!

Нурбек НУРМОҶОВ, Миробод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими профилактика ва назорат бўлими инспектори.

## “Яшил” тоифада, жиноятчиликдан холи ҳудудамиз”

Бугунги кунда профилактика инспекторларининг бевосита жойларда самарали хизмат ўтаниши учун муносиб ижтимоий-машнний шароитлар яратилмоқда. Соҳага рақамли технологиялар кенг жорий этиляпти.

Муслимбек ЖАББОРБЕРГАНОВ, Тўрткўл туманидаги “Беруний” маҳалласи профилактика инспектори.

Бундай қулайликлар кечаю кундуз ўз ҳудудимизда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оғирлигини ва хавфсизлигини таъминлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Буни ўз фаолиятим мисолида кўряпман.

“Беруний” маҳалласи туман марказида жойлашган бўлиб, бу ерда турли давлат ташкилотлари, умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасалари, тўйхона ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритяпти. Аҳоли гавжум. Бундан бир ярим йил олдин ҳудудда безорилик ва тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлар қайд этилгани сабаб, йиғин “қизил” тоифада эди. Шу боис дастлабки фаолиятимда ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб,



уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини “маҳалла еттилиги” имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ҳал этиш чораларини кўрдик. Ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлиб, ким нима билан машғул – ҳаммасини ўргандим. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишладик. Еттита нотинч оила яраштирилиб, тинч-тотув яшашга эришилди. Майда безорилик қилиб, юриштириш ўзгарган, спиртли ичимлик истеъмол қилиши

оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этган 17 нафар фуқаро маъмурий қамоқ жазосига тортилди.

Саъй-ҳаракатларимиз натижасида тўрт ойда “қизил” тоифадан “яшил”га ўтиб, жорий йилнинг январь ойидан бошлаб, жиноятчиликдан холи ҳудудамиз. Бу натижани узоқ муддат сақлаб туриш учун жиноятчилик кўп содир этиладиган учта кўп қаватли тураржой биноси атрофига замонавий видеокузатув қурилмаси ўрнатилди. Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олган ҳолда, кўчалардаги ёритиш чироклари янгисига алмаштирилди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Тўйхона Миллий гвардия кўриқлаш пультага уланди. Фаол фуқаролар ҳамда муддатли ҳарбий хизматга кетиш арафасида бўлган ёшлардан иборат тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этилди. Умумтаълим мактаблари ва аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, замонавий фирибгарликлардан огоҳ этиш бўйича мунтазам тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

Ҳудуд аҳолисининг аксарияти давлат ташкилотларида, тадбиркорлик субъектларида меҳнат фаолияти билан шуғуллангани учун ишсизлар кам. Ишсизлик йўқ жойда жиноятчиликка ўрин қолмайди. Шундай бўлса-да, тарғибот ишларини янада кучайтириб, ҳамкорликни кенгайтиряпмиз. Тўй-томоша бўладиган кун тўйхонага қўшимча Миллий гвардия ходимини бириктириш чораларини кўряпмиз.

Бир сўз билан айтганда, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш йўлида кечаю кундуз изланишдамиз, янги-янги тажрибаларни амалиётга татбиқ этияпмиз.



Аббосбек Файзуллаев,  
Ўткир Юсупов ва  
Абдуқодир Хусанов –  
2024 йилнинг  
ЭНГ ЯХШИ  
ФУТБОЛЧИСИ  
бўлишга  
номзод!



Ўзбекистонлик  
ёш футболчи  
ЛАЗИЗБЕК МИРЗАЕВ  
Испаниянинг  
"Леганес" клуби  
билан  
шартнома  
имзолади.



Таиланда  
ўтказилган  
бокс бўйича ОСИЁ  
ЧЕМПИОНАТИДА  
вакиллариимиз 8 та олтин,  
2 та кумуш ва 1 та бронза  
медалини  
қўлга киритди.

# “Шояд мудраб ётган шижоатни уйғота олсак...”

Туманимиз аҳолиси жуда тиришқок ва ҳаракатчан. Ҳатто, чекка қишлоқ ҳудудда яшайдиган кишилар ҳам хунармандчилик, тадбиркорлик, чорвачилик ва деҳқончилик бўйича мақтовга сазовор натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Бу каби йўналишларнинг ривожланиб, раванқ топаётгани янги иш ўринлари пайдо бўлишига, одамлар яшаш шартин яхшиланшига имкон яратмоқда.



Отабек ОТАМУРОДОВ,  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси  
Ромитон тумани бўлими бошлиғи.

“Навбахор” маҳалласи раиси Фозил Бўронов доим халқ орасида юради. Катта орзу-мақсадлар билан фаолият олиб бораётган аҳоли вакиллари билан ўртоқлашиб, муаммоларига ечим топишда камарбаста бўлмоқда. Натижада маҳалла кундан-кунга ўзгача қиёфа касб этаётди. Бу манзилда айни вақтда савдо дўконлари, сартарошхона, гўзаллик салони, тикувчилик корхоналари, ижтимоий дорихона, новвойхона каби хизмат кўрсатиш объеклари фаолият олиб бормоқда. Маҳаллани ишонч билан “ишсизликдан холи ҳудуд”, дея оламиш.

Жамшид Собиров хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда

ташқил этган қўшма корхона айни вақтда томчилатиб суғориш ҳамда сув филтрлаш ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Фаолиятини бошлаганига энди бир йил бўлган мазкур корхонанинг йиллик айланма маблағи 15-20 миллиард сўмдан ошади. Навоий вилоятида ҳам цехнинг бир бўлими ишлаб турибди. Шу орқали 30 кишининг доимий бандлиги таъминланган. Тайёр маҳсулотлар юртимизнинг ҳар бир гўшасига қадар етиб борапти. Тадбиркор худудимиздаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга мунтазам равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

Олим Тўраева мебелчилик — ота мерос касб. Ёшлигидан шу соҳада ижод қилиб, ёғочларга моҳирлик билан ишлов беради. У ясаган сандиқ, шкаф, стол-стуллар аҳоли хонадонларига янада кўрк бағишламоқда. Ўзи уйда 3 нафар

шогирди билан фаолият юритса, ўғли алоҳида бинода 6 нафар ишчи билан бюртмаларни бажаради. Уста ёз фаслида таътилга чиққан ўқувчилар учун тўғарак очиб, йилдан-йилга шогирдлари сафини кенгайтирапти. Олим ака ясаган мебелларни туман маркази, вилоят ва республикамизнинг бошқа худудларидан қидириб келишади. Маҳаллаларимизда шундай қўли гул хунармандларимиз борлигидан кўксимизда ғурур турмиш.

Тунуқаларга ишлов беришда Илёс Тошевнинг олдига тушадигани йўқ. Рўзгор учун керакли бўладиган анжомлардан тортиб, том ёпишда ишлатиладиган буюмларгача ўзгача меҳр ва иштиёқ билан ясади. 4 нафар шогирди унга эргашиб, янги билим ва кўникмаларга эга бўлаётди.

“Ботча” маҳалласи иссиқхонада экспортлоб сабзавотлар етиштириш орқали ном қозонган. Айни вақтда аҳолининг 4-8 сотихли томорқаларида булғор қалампери, бодринг, помидор, лимон каби маҳсулотлар бошини эгиб ҳосилга кирган. Савдо ишлари авж паллада.

Бундан ташқари, маҳаллада 279 нафар тадбиркор, 350 нафар савдо шохбосчаси очган ишбилармон фаолият юритиб келмоқда. 100 та умумий овқатланиш маскани миҳозлар хизматида. 3 та мини футбол майдонида ёшлар спорт билан шуғулланиб, бўш вақтини мазмуни ўтказяпти. Ривожланиш шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Кундан-кунга янгидан-янги йўналишлар очилиб, хизмат кўрсатиш сифати ошяпти. Худудда рўйхатга олинган

16 та камбағал оиладан 12 таси ўзини анча тиклаб олди. Иссиқхона қуриб бериш, чорвачиликка йўналтириш орқали уларнинг бандлиги таъминланди. Хотин-қизлар ип йиғирув корхонасига ишга жойлаштирилди.

Рашид Жўраев ва унинг турмуш ўртоғи ногиронлиги бўлгани сабабли бирор фаолият тури билан шуғулланиш имконига эга эмас. Урганишларимиз натижасида хонадони таъмирталаб экани аниқланди. “Маҳалла еттичилиги” ходимлари билан уйининг эшик,

ром, шифт ва пол қисмлари янгилаб берилди. Яқин кунларда электр таъминотини яхшилаш мақсадида қуёш панелларини ўрнатиб бермоқчимиз.

Аслида, раҳбарлар бир сабабчи, холос. Эришилаётган натижаларнинг барчаси халқнинг астойдил қилаётган саяёҳаракатлари натижаси демак. Одамлар қалбидagi мудраб ётган шижоатни уйғотсақкина, ишимиз кўзга кўринади. Йўқса, елиб-югурганларимизнинг барчаси бекор.



# Аёл уддалаган иш, зарра келтирмас ташвиш

“Ериш боксанг, ер сени боқадн”, деган нақл маъносини маҳалла аҳолиси яхши анлайди. Чунки улар томорқачилик ва деҳқончиликдан юқори ҳосил олмақда. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилётгани ердан унумли фойдаланишни тақозо қилмоқда.



Гулноз АХМЕДОВА,  
Сирдарё туманидаги “Бахмал”  
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Тозагул Ҳаққулова бир неча йил фермер хўжалиқларида мавсумий ишларни бажариб, кунлик даромад топиб келаётган эди. Лекин бу фаолиятдан сира кўнгли тўлмасди. Шунда унга бир вақтлар касб-хунар коллежининг тикувчилик йўналишини тамомлагани қўл келди. Ўзини ислоҳ қилиш, янги ҳаёт бошлаш мақсадида 3 ойлик тадбиркорлик курсида ўқиди. Куч ва имкониятларига ишончи ортиб, маҳалла тавсияси билан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Маблағ эвазига 3 та тикув машинаси харид қилиб, янги иш бошлади. Айни вақтда давлат ва хусусий корхона ходимлари учун махсус кийимлар тикяпти. Бундан ташқари, замонавий аёллар

либосларида ижодий ғояларини акс эттиряпти. Маҳалламизда шу каби тадбиркорлик қилиш истагидаги хотин-қизлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётди. Вақтини мазмуни ўтказиш, оиласи ва фарзандларининг фаровон турмуш кеңириши учун муносиб ҳисса қўшиш истаги анча ортган. Худудимизда бирорта ишсиз аёлнинг қолмагани ҳам бунинг яққол исботидир. Маҳалла тизимидаги 22 йиллик тажрибага таяниб айтишим мумкинки, яратиб берилётган шароит ва қулайликлар аёллар кайфиятида ўз ифодасини тўлиқ намоён этмоқда. Фуқаролар ҳеч бўлмаганда, бўш турган томорқасига картошка, пизё экишни ўрганди. Чорвачилик қўлами анча кенгайган. Хуллас, ҳамма имкониятидан самарали фойдаланяпти. Саодат Аққулова тадбиркорлик қилиш истаги билан “Аёллар

дафтари”га киритилган эди. Фаолиятини бошлаш учун 5 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикув машинаси харид қилди. Хозир касаначилик йўналишида ўзини ўзи банд қилиб, кўрпа-тўшак тикишни йўлга қўйган. Туманимизнинг турли маҳаллаларидан буюртма берувчилар топилади. Интилишларини инобатга олиб, уни “Сен азиз ва муқаддассан аёл” кўрик-танловига тавсия қилдик. Саодат Аққулова муносиб тарзда иштирок этиб, вилоят миқёсида 3-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, 2 нафар шогирди хунарининг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Касаначилик йўналиши уйда ўтирган хотин-қизлар учун айни муддао бўлди. Бугунги кунда мазкур соҳада фаолиятини юритаётганлар кўпчилигини ташқил этади. Дилафрўз Бойбўтаева 2023 йилда “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Томорқасидан унумли фойдаланиш мақсадида 22 миллион сўм кредит олди. 6 сотих майдонга Қувадан наъматакка пайванд қилинган 6 минг туп атиргул кўчатларини олиб келиб экди. Улар -4 даража совуққа ҳам чидамлилиги билан ўзига хосдир. Январ ойида ерга қадалган новдалар июнда барқ уриб очилди. Ўшанда бошланган сотув жараёни ноябрь ойининг охирига қадар давом этди. Бир кунда 400 тадан 2 000 донагача атиргул бозорга чиқарилди.

Гулларнинг чиройли ва бақувват бўлиб ўсиши учун маҳаллий ўғитлардан шарбат тайёрлаб оқизишди. Тадбиркор биринчи йилнинг ўзида 60 миллион сўм фойда қилди. Бундан ташқари, олинган кредит қарздорлигини тўлиқ ёпишга эришди. Келгуси йилда яна 15 миллион сўм кредит олиб, иссиқхона қуришни режалаштирган. Шунингдек, акасининг бўш турган томорқасида гулчилик фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилиб турибди. Шу орқали янги иш ўринлари яратмоқчи. 2025 йилда хотин-қизларни айнан гулчиликка йўналтиришга эътибор қаратмоқчимиз. 1 сотих бўлса ҳам ердан унумли фойдаланиш сирлари бўйича ўқув-амалий машғулотлар ташқил этиб келмоқдамиз. Умид қиламанки, бу саяёҳаракатларимиз келгуси йилдан ўз самарасини кўрсата бошлайди. Маҳалламизда сўнгги 2 йил ичида 100 нафардан кўпроқ хотин-қиз турли соҳалар бўйича касб-хунарга ўқитилди. Энди уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида худудимизда бўш турган бир бинони таъмирлаб, тадбиркорларни жалб қилган ҳолда тикувчилик корхонаси очилиш ният қилганмиз. Шу орқали 40-50 нафардан кўпроқ аёлнинг ишли бўлишига шароит яратиб берган бўламыз.

## МАНЗАРА

## БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

### ТЎҒРИ БЎЛСА НОНУШТА, БЎЛАСИЗ ОСОЙИШТА

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нонушта қон босимини назорат қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Эрталабки овқатланиш юрак саломатлиги ва қон босимини яхшилайди.



Кардиологларнинг фикрича, нонушта қондаги қанд миқдорини тартибга солиди ва кун давомида ортиқча овқатланиб қўйишдан сақлайди. Бу қон босимини оширадиган стресс гармонлари кўпайишининг олдини олади. Шунинг учун ҳар тонг яхши кайфият билан маззали егуликлар истеъмол қилишни одат тусига айлантиринг. Шифокорлар нонушта қилинадиган вақтнинг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлашмоқда. Чунки у қон босими ва метаболизмни тартибга солишга ёрдам берадиган табиий сирқад ритмларига мос келиши лозим. Шу сабабли шифокорлар уйғонгандан кейин, бир-икки соат ичида тамадди қилишни тавсия этади. Нонушта қилиш вақтидаги ўзгаришлар кардиометаболик касалликларнинг ривожланишига таъсир этиши мумкин. Агар ўзимиз учун ҳар кунлик овқатланиш тартибини тузиб, унга мунтазам равишда риоя қиладиган бўлсак, танамиздаги кўплаб муаммоларнинг олдини оламыз. Меъёрий қон босимини сақлаш учун, аввало, кунни тўғри бошлаш керак. Уйғонгандан кейин икки соат ичида нонушта қилиш бутун кун қандай ўтишини белгилаб беради. Кардиологларнинг маслаҳатига кўра, нонушта учун мағний ва калийга бой таомлар (мева ва сабзавотлар), оксил (тухум), фойдали ёғлар (авоқад ва ёнғоқ), ўсимлик тоналари(сабзавотлар)дан иборат маҳсулотларни истеъмол қилиш яхшироқдир. Бу егуликларни кундалик овқатланиш тартибига киритишни одат тусига айлантиринг. Шунда кун бўйи бардам ва тетик юрасиз. Шунингдек, оддий углеводлар (масалан, нонушта ёрмалари) ёки таркибда натрий моддаси кўп бўлган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Америка касалликлари ҳамжамияти аъзолари маслаҳатига кўра, қон босимини яхшилаш учун кунлик туз истеъмолини 2300 мг (идеал 1500 мг)дан ортиқ бўлмастлигини назорат қилиш зарур. Соғлом ҳаёт кеңириш учун дастурхонингиздаги таомларга эътиборли бўлинг!

Шаҳноза РАҲИМҲЎЖАЕВА,  
“Mahalla”.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз АХМЕДОВ  
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами – 380x587, 4 б.т. 8 500 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-1120

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

